

Impact Factor: 5.479


ISSN 2181-9505
Doi Journal 10.26739/2181-9505

Philosophy and Life

FALSAFA VA HAYOT • ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ

Special
Issue 2

2022



MUNDARIJA | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Oripov Xasan Abdioxabovich СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ АСПЕКТЫ ПОНИМАНИЯ ЗНАЧЕНИЯ ФЕНОМЕНА СВОБОДЫ СЛОВА В ОБЩЕСТВЕННОМ РАЗВИТИИ.....	8
2. Rakhmonov Sunnatillo Mavlonovich INTERPRETATION A PERFECT HUMAN IN THE TARIKATS MAWLAWI AND NAQSHBANDI.....	13
3. Samadov Aktamkul Rafikovich UNITY OF MORALITY AND AESTHETICS IN PERSONAL MIND: PHILOSOPHICAL ANALYSIS.....	19
4. Abdumajidova Hamida IMPACT OF MODERNIZATION OF THE CENTRAL ASIAN COUNTRIES ON THE ACTIVITY OF SOCIO-POLITICAL RELATIONS.....	26
5. Бегматова Мұтабар Аскаровна, Усанов Равшан Тураевич МАДАНИЯТШУНОСЛИК ФАНИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ.....	30
6. Боймуродов Зохид Шокирович “ТУРМУШ ТАРЗИ” КАТЕГОРИЯСИННИГ НАЗАРИЙ ЭКСПЛИКАЦИЯСИ.....	35
7. Жураева Диляфруз Жамуродовна “БОБУРНОМА” – ТАБИАТ ЭСТЕТИКАСИННИГ ИЛК МАНБАСИ СИФАТИДА.....	44
8. Отабаев Икромжон Усмонжанович ТАРИХИЙ ОНГ ВА ТАРИХИЙ ХОТИРАНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУРИЯТИ.....	52
9. Isomiddinov Yuldashev Yusubboevich THE SOCIAL PHILOSOPHICAL ESSENCE OF ABDURAUF FITRAT'S SPIRITUAL HERITAGE.....	58
10. Кузиев Нодир Абдусалимович ИПАК ЙҮЛИ ДОИРАСИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ САВДО-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАРИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ.....	65
11. Мавлонов Илхомжон Холмирзаевич ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҒОЯВИЙ АСОСЛАРИ.....	70
12. Султонова Светлана Юрьевна ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ТЕРРОРИЗМ ТАҲДИДЛАРИДАН ШАХСИЙ ЎЗИНИ-ЎЗИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ.....	75
13. Сўфиев Абдуҳаким Абдулазизович ТАДБИРКОР ШАХС ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ ОШИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	82



FALSAFA VA NAYOT ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ PHILOSOPHY AND LIFE



УДК 1(091)(5):|910.4:339.9(4/5)|

Кузиев Нодир Абдусалимович
Бухоро давлат университети таянч докторант
e-mail: nodir82a@mail.ru
(Ўзбекистон, Бухоро)

ИПАК ЙЎЛИ ДОИРАСИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ САВДО-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАРИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ



<http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.0000000>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг Ипак йўли лойиҳалари доирасидаги савдо-иктисодий соҳасидаги ҳамкорлиги мухим аҳамиятта эга масалалардан бири эканлиги ижтимоий-фалсафий жихатдан илмий таҳлил қилинган. Мамлакат мустакиллик йилларида турли форматлардаги Ипак йўли концепцияларининг иқтисодий ва гуманитар лойиҳаларида иштирок этган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Хитой ташаббусидаги замонавий Ипак йўли доирасида савдо-иктисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлиги мухим аҳамият касб этмоқда.

Калит сўзлар: “Ипак йўли иқтисодий камари”, Жаҳон банки, “Бир макон, бир йўл”, Замонавий Ипак йўли, савдо-иктисодий алоқалар

Kuziev Nodir Abdusalomovich
PhD student of the Bukhara state university
e-mail: nodir82a@mail.ru
(Uzbekistan, Bukhara)

MUTUAL RELATIONS OF UZBEKISTAN WITHIN THE FRAMEWORK OF THE SILK ROAD IN TRADE AND ECONOMIC SPHERES

ABSTRACT

This article scientifically analyzes from a socio-philosophical point of view the fact of the importance of Uzbekistan's cooperation in the trade and economic sphere within the framework of Silk Road projects, the country participated in economic and humanitarian projects of Silk Road concepts in various formats during the years of independence. Trade, economic, cultural and humanitarian cooperation of Uzbekistan within the framework of the modern Silk Road on the initiative of China is also of great importance.

Keywords: Silk Road Economic Belt, World Bank, “One Belt, One Road”, Modern Silk Road, trade and economic relations.

Кузиев Нодир Абдусалимович
Базовый докторант Бухарского государственного университета
e-mail: nodir82a@mail.ru

(Узбекистан, Бухара)

ВЗАИМНЫЕ ОТНОШЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА В РАМКАХ ШЕЛКОВОГО ПУТИ В ТОРГОВО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ СФЕРАХ

АННОТАЦИЯ

В данной статье научно анализированы с социально-философской точки зрения факт важности сотрудничества Узбекистана в торгово-экономической сфере в рамках проектов Шелкового пути. Страна участвовала в экономических и гуманитарных проектах концепций Шелкового пути в различных форматах в годы независимости. Также важное значение имеет торгово-экономическое и культурно-гуманитарное сотрудничество Узбекистана в рамках современного Шелкового пути по инициативе Китая.

Ключевые слова: Экономический пояс Шелкового пути, Всемирный банк, "Один пояс, один путь", Современный Шелковый путь, торгово-экономические отношения.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустакилликка эришгач, ўзининг халқаро алоқаларини фаол равишда йўлга қўйди ва амалга ошира бошлади, мустакил ташки сиёсий фаолиятни ташкил этиш ҳамда ишлаш тизимини изчил ва максадли равишда шакллантириди.

2017 йил 7 февралда Президент Шавкат Мирзиёев ташабbusи билан қабул килинган Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида чукур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташки сиёсат юритиш, чукур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташки сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустакиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, баркарорлик ва ахил кўшничилик мухитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш масалаларига асосий устувор йўналишлар сифатида эътибор каратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Биз ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш асосида хорижий давлатлар, энг аввало, кўшни давлатлар, шу билан бирга, халқаро институтлар билан якиндан ҳамкорлик килишни бугунги кун талаблари даражасида ташкил этамиз. Ўзбекистонда ўзини ишончли шерик сифатида кўрсатган ишбилармонлар билан ҳамкорлик муносабатлари, албатта, давом эттирилади".

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

Ипак йўли доирасида Ўзбекистоннинг савдо-иктисодий ҳамкорлиги масалаларини кенг миқёсда ўрганилган ва ушбу мавзу бўйича адабиёт ва манбаларни куйидагича бўлиб ўрганиш мақсадга мувофик.

Маҳаллий муаллифларнинг тадқиқотларини камраб олган Ипак йўли лойиҳасида савдо-иктисодий ҳамкорлигда Ўзбекистон Республикасининг ушбулоҳиҳадаги иштироки масалалари ёритилган адабиётларни ташкил этади. Буборада А. Хўжаев, О. Кобзева, Р. Мирзаев, М. Ра каби олимлартомонидан турли илмий адабиётлар яратилган.

Бундан ташқари, ушбу гурухга Ўзбекистоннинг Замонавий Ипак йўли лойиҳаси иштирокчи мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлигининг айрим масалалари тахлил килинган монографияларва илмий мақолаларни ҳам киритиш мумкин. Мазкур тадқиқотларда Ўзбекистоннинг Ипак йўли концепцияси доирасидаги сиёсий, иктисолий ва маданий-гуманитар ҳамкорлиги масалалари ёритилган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ш. Мирзиёев саммитда иштирок этувчи давлатларнинг IT-паркалари негизида "Интелектуал ипак йўли" платформасини яратиш ташабbusини ҳам илгари сурди. Бу жамият ҳаётининг барча жабхаларида моҳиятнан ракамлаштиришга ўтиш ғояларини амалга ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти биргаликда ишлашга чакирди фуқароларнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжларини олдиндан коплаш масаласига эътибор каратди. Шунингдек давлатимиз раҳбари мукобил энергия соҳасига Хитой сармояси ва технологияларини жалб

қилиш бўйича “Йўл ҳаритаси”ни-“Яшил ипак йўли” лойиҳаси доирасида яратишни таклиф килди.

Си Цзинппин Ўзбекистон ва унинг қўшниларининг “ўз йўлидан бориш” ниятларини кўллаб-кувватлади. Пекин уларга ижтимоий лойиҳалар учун грант асосида 500 млн АҚШ доллар ажратади деб таъкидлади ХХР давлат раҳбари. Хитой Халқ Республикасининг (ХХР) янги ипак йўли курилиши лойиҳалари бўйича фаол иш олиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Хитой ҳукумати транспорт логистика соҳасига оид “Буюк ипак йўлининг иқтисодий йўлаги” лойиҳасини илгари сурмокда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё давлатларининг энг йирик қўшниси - **Хитой Халқ Республикасидир (ХХР)**. Минтақа мамлакатлари, жумладан, Хитой билан умумий чегараси бўлмаган Ўзбекистон учун ХХР муҳим сиёсий, савдо-иктисодий шерикдир. Икки томонлама ҳамкорлик барча соҳаларни камраб олади ва ўзаро манфаатли хусусиятга эгадир.

2017 йил май ойида Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзинппиннинг таклифиға биноан Хитойга давлат ташрифи билан борди. Шавкат Мирзиёев ва Си Цзинппиннинг учрашуви чоғида томонлар Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг кенг доираси, томонларни кизиктирган минтақавий ва ҳалқаро масалалар бўйича батафсил фикр алмашдилар. Музокаралар давомида икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари, хусусан, сиёсий, савдо-иктисодий, сармоявий, молиявий-техникавий, энергетик, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро савдо айланмаси ҳажмини ошириш бўйича атрофлича фикр алмашиди.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ХХРга давлат ташрифи доирасида сиёсий ва иқтисодий соҳаларда муҳим келишувларга эришилди, икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари бўйича 100 дан ортиқ киймати 23 миллиард доллардан ошадиган инвестиция лойиҳаларининг катта тўпламини амалга оширишга қаратилган муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Икки томонлама самарали ҳамкорлик Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида ҳам амалга оширилмоқда. Хусусан, 2019 йил 24-27 апрел кунлари Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзинппиннинг таклифиға биноан ушбу мамлакатга иккинчи “Бир макон, бир йўл” ҳалқаро форумида иштирок этиш учун ташриф буюрди. Ушбу ташриф давомида икки мамлакат раҳбарлари Ўзбекистон иқтисодиётiga инвестициялар, инновациялар ва технологияларни жалб килишда ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш истиқболларини, турли соҳаларда янги қўшма ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чикиш, минтақа транзит ва транспорт-коммуникация салоҳиятини ривожлантириш масалаларини мухокама килдилар. Хитой Халқ Республикаси Раиси “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси ривожланишнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ўзбекистонда кабул килинган Ҳаракатлар стратегиясига тўлиқ мос келишини таъкидлади.

ХХР Ўзбекистоннинг савдо шериклари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Ўзбекистон худудида Хитой капитали иштирокидаги 700 дан ортиқ компания ва корхоналар фаолият юритмоқда. 2020 йилда 6 432,2 млн.АҚШ долл.) ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 80 фоизга ўсади.

Ўзбекистон Хитой билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришдан, айниқса, юкори технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишдан, мамлакат иқтисодиётининг экспортга йўналтирилган ишлаб чикиш соҳаларига Хитой сармояларини жалб килишдан, шунингдек транспортни ривожлантиришдан, шунингдек, Ўзбекистон транспорт-коммуникация комплексини ривожлантириш ва унинг ҳалқаро транзит тизимиға қўшилишидан манфаатдор.

2020 йилда COVID-19 пандемияси сабабли чекланган карантин чораларига қарамай ва шу муносабат билан ўзаро товар айирбошлиш ҳажмининг сезиларли даражада пасайишига қарамай, Ўзбекистон ва Хитой пандемиянинг иқтисодий оқибатларини юмшатиш ва илгари режалаштирилган ва янги қўшма лойиҳаларни амалга оширишни тиклаш учун барча сайд-ҳаракатларни амалга оширмокдалар.

ХУЛОСА

Ипак йўлини қайта тиклашнинг замонавий концепциялари доирасида илгари сурилган ғоя ва карашлар бугунги кунда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириши жадаллаштириш, Янги Ўзбекистон стратегияси доирасида амалга оширилаётган чоратадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, хусусан, иктиносидиётнинг турли тармокларини модернизация килиш, кишлук ҳўжалигини жадал риволантириш, ҳудудларнинг иктиносидий ривожланишини жадаллаштириш, туризмни иктиносидиётнинг муҳим драйверига айлантириш, ракамли иктиносидиётни ривожлантириш, бу борадаги илгор ютуклардан фойдаланиш, фан ва таълим, ижтимоий-иктиносидий ҳаётга инновацияларни жорий этиш халқаро тажрибани пухта ўзлаштириш, бошқа давлатлар билан ижтимоий-иктиносидий муносабатларни янги босқичга кўтаришни такозо этади.

Ипак йўлининг тикланишига оид замонавий концепцияларнинг ғоя ва ёндашувлари ушбу тажрибани ўзлаштириш ва миллатлараро иктиносидий ҳамкорликни ошириш канали бўлиб хизмат килиши билан аҳамиятлидир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ташки ишлар вазирлиги ҳамда, Жаҳон иктиносидиёти ва дипломатия университети ташкил этилди. Ўзбекистон Президентининг 1992 йил февралдаги фармони билан Ташки иктиносидий алоқалар вазирлиги ҳам ташкил топди.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони // <https://lex.uz/docs/3107036?otherlang=1>
3. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.27.
4. Ш.Мирзиёев “Интелектуал ипак йўлини яратишни таклиф килди // spot.uz, 2022 yil, 26 yanvar.
5. <http://www.inform.kz/rus/article/2659526>.
6. <https://mfa.uz/ru/press/news/2019/04/18757/?print=Y> (16.11.2019).
7. <https://stat.uz/tu/press-tsentr/novosti-komiteta/8315-o-zbekiston-respublikasining-tashqi-savdo-aylanmasi-511> (24.02.2020).

References

1. The Ministry of Foreign Affairs and the University of World Economy and Diplomacy were established. The Ministry of Foreign Economic Relations was established by the decree of the President of Uzbekistan in February 1992.
2. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the Strategy of Actions for Further Development of the Republic of Uzbekistan" // <https://lex.uz/docs/3107036?otherlang=1>
3. Mirziyoev Sh. Together we will build a free and prosperous, democratic country of Uzbekistan. Speech at the joint meeting of the chambers of the Oliy Majlis dedicated to the inauguration ceremony of the President of the Republic of Uzbekistan /Sh.M. Mirziyoev. - Tashkent: Uzbekistan, 2017. - P.27.
4. Sh. Mirziyoev "Proposed to create an intellectual silk road // spot.uz, January 26, 2022. <http://www.inform.kz/rus/article/2659526>.
6. <https://mfa.uz/ru/press/news/2019/04/18757/?print=Y> (16.11.2019).
7. <https://article.iz.ru/press-center/news-committee/8315-Foreign-trade-turnover-of-the-Republic-of-Uzbekistan-511>(24.02.2020).

Библиография

1. Созданы Министерство иностранных дел и Университет мировой экономики и дипломатии. Министерство внешнеэкономических связей было создано указом Президента Республики Узбекистан в феврале 1992 года.
2. Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // <https://lex.uz/docs/3107036?otherlang=1>
3. Мирзиёев Ш. Вместе мы построим свободную и процветающую, демократическую страну Узбекистан. Выступление на совместном заседании палат Олий Мажлиса, посвященном церемонии вступления в должность Президента Республики Узбекистан /Ш.М. Мирзиёев. – Ташкент: Узбекистан, 2017. – С.27.
Ш.Мирзиёев предложил создание «Интеллектуального Шелкового пути». // spot.uz, 26 января 2022 года.
<http://www.inform.kz/rus/article/2659526>.
6. <https://mfa.uz/ru/press/news/2019/04/18757/?print=Y> (16.11.2019).
7. <https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-komiteta/8315-внешне-торговый-оборот-Республики-Узбекистан--511> (24.02.2020).